
Сиз эмландингизми?

Туман тиббиёт бирлашмаси масъулларининг маълум қилишича, туманда **бугуннинг ўзида** фуқароларни COVID-19'га қарши эмлаш мақсадида **1876 доза вакцина ишлатилди**. Бунда, 1-тур 1339 дозани, 2-тур 300 дозани ва 3-тур 237 дозани ташкил этилди. Шундан 174 доза вакцина 65 ва ундан катта ёшдаги фуқароларга қўлланилди.

Шу вақтгача туман бўйича жами **59509 доза вакцина қўлланилган**. 1-тур вакцинацияси 38113 дозани, 2-тур вакцинацияси 14400 дозани ва 3-тур вакцинацияси 6996 дозани ташкил этган. Булардан 12122 дозаси 65 ёш ва ундан катта ёшдаги фуқароларга ишлатилди.

Маълумот ўрнида, коронавирусга қарши эмлаш жараёнлари тумандаги **кўп тармоқли марказий поликлиника** (Конизар мавзеси, Ғалаба кўчасида), **КТМПнинг болалар бўлими** (Яйпан шаҳар Туркистон кўчаси), **ҳудудлардаги 8 та оилавий поликлиникалар ҳамда 1 та оилавий шифокор пункти (Деҳқонобод қишлоғи)да** амалга оширилмоқда.

Ўзингиз ва яқинларингиз соғлигига беэътибор бўлманг, азиз тумандошлар! Тождор вирус балосидан сақланинг!

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-07-23 18:32:03